

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РЫСЮКОВА ЮЛИЯ ВАСИЛЬЕВНА

**«КАСБ ТАЪЛИМИ» ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА
ИЛМИЙ-МЕТОДИК WEB-ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва
босқичлари бўйича)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical science**

Рысюкова Юлия Васильевна

“Касб таълими” йўналиши талабаларида илмий-методик web-
фаолиятни шакллантириш..... 3

Рысюкова Юлия Васильевна

Формирование научно-методической web-деятельности у студентов
направления «Профессиональное образование»..... 22

Risyukova Yuliya Vasilevna

Formation of scientific-methodological web-activity at students of the
direction “Professional education” 42

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ

LIST OF PUBLISHED WORKS..... 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РЫСЮКОВА ЮЛИЯ ВАСИЛЬЕВНА

**«КАСБ ТАЪЛИМИ» ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА
ИЛМИЙ-МЕТОДИК WEB-ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва
босқичлари бўйича)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped864 рақам билан рўйхатга олинган.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент Давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.chtdpi.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Закирова Феруза Махмудовна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот: **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
Бош илмий- методик маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 28.03.2019. Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz

Докторлик диссертацияси билан Тошкент вилояти Чирчиқ институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Қ.Мардонов
Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Т.Ражабов
Илмий даражасини берувчи илмий
кенгаш котиби, география фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD).

Р.А.Эшчанов
Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, пед.ф.д., доцент

Кириш (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитларида жамиятдаги ахборот алмашинуви ҳамда фан ва техниканинг замонавий ютуқларига таянган янги ахборот муҳитининг шаклланиши таълим тизимини кенг қамровли сифатли ривожланишини назарда тутди, бу эса ўз навбатида педагогика фанини янгилаш учун имконият эшикларини очишга хизмат қилади. Ўқитишда рақамли технологияларнинг тарқалиши узлуксиз, шахсга йўналтирилган, турланувчан ва жадал ривожланувчи жараёнга айланмоқда. Мазкур жараёнга қатор халқаро ташкилотларнинг диққат эътибори қаратилган, шу жумладан таълим муҳитида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда XXI асрда таълим жараёнининг барча иштирокчиларидан талаб этиладиган юқори технологик компетенциялар ва кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратувчи ЮНЕСКО ташкилоти ҳам.¹

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқитишнинг шакл ва методларини сифат жиҳатдан, шу жумладан педагогик назария ва амалиётни ўзгартириш имкониятини беради. Педагогика фанида ҳар бир ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги, унинг маҳорати, ўзгарувчан таълим ахборот муҳитига мослашувчанлиги билан белгиланиши аниқланган. Таълим модернизацияси ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш эҳтиёжини яратади, шу билан бирга даврнинг замонавий чақириқларига жавоб бера оладиган даражада унинг илмий-методик, тадқиқий фаолиятини ҳам ўзгартиради. Бундай ҳолат таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишда сифатли ўзгаришлар, шу жумладан ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш, унда замонавий касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади. Ўқитувчининг касбий фаолият турларидан бири – бу унинг илмий-методик фаолияти ҳисобланади, ҳамда унинг педагогик фаолиятни амалга ошириш ва такомиллаштиришга оид янги ёндашувларни мустақил равишда топа олиш қобилиятидир.

Таълимни ахборотлаштириш соҳасида ривожланишнинг замонавий тенденцияларига мос равишда Ўзбекистонда ўқитувчи фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайд қилинганидек, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлар қошида махсус илмий-экспериментал лабораториялар очиш, юқори технологиялар маркази, технопарклар яратишга катта эътибор

¹Bacsich P. Alternative models of education delivery: Policy Brief, September, 2012. Moscow: UNESCO Institute for Information Technologies in Education, 2012. URL: http://iite.unesco.org/les/policy_briefs/pdf/en/alternative_models.pdf (мувожаат вақти: 25.07.2013).

қаратилмоқда.² Ахборот-коммуникация технологиялари муҳити методик фаолиятнинг янги тури пайдо бўлишига сабаб бўлди ва биз уни илмий-методик web-фаолият деб номладик. Шу боис олий таълим муассасаларининг “Касб таълими” бакалаврият таълим йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятни шакллантириш шароитларини аниқлаш долзарб муаммога айланмоқда, чунки ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида тайёрланаётган педагогик кадрлар сифати ва даражаси Ўзбекистоннинг ахборот жамиятидаги рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5313-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3775-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909-сон қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, таълимни ахборотлаштириш шароитида методик ва илмий-тадқиқот фаолиятларини шакллантириш масалалари азалдан ҳам олимларнинг илмий тадқиқотларида марказий ўрин эгаллаб келган.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари А. Абдуқодиров, М. Арипов, У. Бегимқулов, Е. Веретенникова, П. Гальперин, Ф. Закирова, С. Панюкова, И. Роберт, S. Rapert, Е. Чернобай³ ва бошқалар томонидан ёритилган.

Методик ва илмий-методик фаолият хусусиятлари ҳамда уларнинг шаклланиш методлари Т. Анисимова, Е. Базай, С. Гончаров, М. Гулямова, В. Ерошина, Т. Загривная, Н. Зайцева, В. Зотова, Е. Шатухо, О. Тигай, К. Турсуметов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Таълимда web-технологиялардан фойдаланиш муаммолари билан

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил. 6-сон. 70-модда.

³Чернобай Е. Методические основы подготовки учителей к проектированию учебного процесса в современной информационной образовательной среде (в системе дополнительного профессионального образования). Автореферат дис.пед.наук. 13.00.08. - Москва, 2012 –24 с.

И.Захарова, А.Карабанов, И.Морозов, Р.Хисамиева, Т.Шаймарданов⁴ ва бошқалар шуғулланганлар. Хусусан, Е.Багузина ва Е.Шевцова web-квестни ўзига тилли коммуникатив компетентликни шакллантириш воситаси сифатида ўрганган бўлсалар, О.Волкова эса уни маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида ўрганган.

Аmmo олий таълим муассасалари педагогик йўналишлари талабаларининг замонавий web-технологиялар муҳитида илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш каби муҳим масала олимларнинг назаридан четда қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁА1-ОТ-0-16695 “Электрон ўқув-методик материалларни ривожлантириш орқали ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«илмий-методик web-фаолият» тушунчаси мазмун-моҳияти ва унинг таркибий компонентларини очиқ бериш;

ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш бўйича илмий-методик ёндашувларни аниқлаш;

замонавий web-технологиялар негизида талабаларнинг илмий-методик web-фаолиятини шакллантиришнинг самарали шакли, методи ва воситаларини белгилаш;

олий таълим муассасалари талабаларнинг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш бўйича баҳолаш мезонлари ва даражаларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг психологик-педагогик жараёни танланди ва тажриба синов жараёнида 271 талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методлари. Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун комплекс равишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фалсафий, психологик-педагогик ва ўқув-методик адабиётлар таҳлили; кузатув, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; сўровнома, тест,

⁴Шаймардонов Т.Т. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида педагог кадрларнинг касбий фаолияти мазмуни ва унинг мониторинги. Тошкент: Янги китоб, 2016.

суҳбат, педагогик эксперимент; тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқитувчининг педагогик фаолиятида илмий-методик web-фаолият белгиланиб, унинг мазмуни ва таркиби замонавий web-технологиялар муҳитида илмий-тадқиқот ва методик фаолиятнинг маълумотларни индивидуал тартибда жамлаш, булутли сақлаш, асинхрон алмашинув, ҳамкорликда таҳрирлаш ва мулоқот қилиш, ижтимоий қўллаш ва баҳолаш каби компонентларини белгилаш асосида аниқланган;

олий таълим муассасаларида on-line/off-line дарс машғулотларини ўтказиш методикаси ўқув жараёнига web-квест-машғулотларнинг web-квест-вазифалар билан жамоавий таништириш, унинг қисмларини индивидуал тарздаги ролли ижро, web-квест-маҳсулотни гуруҳ билан яратиш ҳамда уни ижтимоий нуқтаи назардан баҳолаш каби таркибий компонентларини белгилаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда илмий-методик web-фаолиятнинг шакллантирилганлиги даражасини баҳолаш мезонлари репродуктив-методик, продуктив-методик, тадқиқот-методик фаолиятни ўзлаштириш даражалари таксономиясини ҳисобга олган ҳолда белгиланган;

талабаларда илмий-методик web-фаолиятнинг шакллантириш учун «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанлари бўйича электрон ўқув-методик таъминоти педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни киритиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагиларда акс этган:

таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари такомиллаштирилди;

олий таълим муассасалари ўқув жараёнига web-квест-машғулотлари татбиқ этилди ва уларни педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестлар асосида ўтказиш методикаси такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятнинг шакллантириш учун «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанларидан педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестлар кўринишидаги электрон таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг муаммоси ва предметига мос равишда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи методлардан фойдаланганлиги; олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлиги жараёнида методик фаолиятини шакллантириш ҳамда web-технологиялардан фойдаланиш соҳасида маҳаллий ва чет эл олимлари ишларига таянилганлиги; тадқиқотнинг миқдор ва сифат методларидан фойдаланилганлиги; экспериментал иш самарадорлигининг математик-статистика методи орқали асосланганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда

хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий web-технологиялар муҳитида педагогларнинг илмий-методик фаолияти хусусиятлари тўғрисида назарий билимларини кенгайтириш имконини берувчи олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситаларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан фойдаланиш имкониятлари, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш мақсадида web-квест-вазифалар асосида web-квест-машғулотлар ўтказиш методикасига оид ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида: талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини мазмуни, шакллантириш методикаси ва баҳолаш бўйича таклифлар, шаклланганликнинг таркиби, мазмуни ва баҳолаш мезонлари 5330400 - «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» йўналиши давлат таълим стандарти, малака талаблари ва психологик-педагогик фанлар бўйича ўқув дастурлар мазмунини ишлаб чиқишда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 89-03-3484 сон маълумотнома). Натижада таълим мазмуни такомиллаштирилди ҳамда «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» йўналиши талабаларининг билим ва кўникма даражалари ошган;

олий таълим муассасаларда web-квест-машғулотларларни web-квест-вазифалар асосида ўтказиш бўйича таклифлар “Касбий педагогик фаолиятга кириш” номли ўқув қўлланмаси мазмунида синдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бўйруғи №603-040, 2017 йил 24 август). Натижада олий таълим муассасалари амалиётида электрон ўқитиш технологиялари жорий қилинган, бу эса ёш авлоднинг ахборот компетентлигини ривожлантириш имкониятини берган;

педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ЁА1-ОТ-0-16695 “Электрон ўқув-методик материалларни ривожлантириш орқали ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш” илмий-тадқиқот ишларида қўлланилган ва ўқув-методик мажмуалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишининг 2018 йил 18 августдаги 4-сонли баённомаси қарори). Натижада таълим муассасаларда электрон ўқитиш кейс ва лойиҳа методлари ва квест воситалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг

назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробация ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 7 таси республика ва журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Унинг ҳажми 139 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Касбий таълим тизимида илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида ахборотлаштириш, методик фаолият, илмий-методик фаолият, web-технологиялар каби тушунчаларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган Республикамиз ва чет эл олимларининг ишлари илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган, шунингдек аренага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тури бўлган web-технологиялар чиқиши, ўқитишнинг анъанавий ҳамда таълимни ахборотлаштириш шароитларида методик фаолият қиёсий ўрганилган.

М.Цветкованинг фикрича «Ахборотлаштириш – инсон, гуруҳ, социумнинг маҳсулли фаолиятини янада самаралироқ ташкил этиш имконини берувчи янги умумтизимли хусусиятларни эгаллаш мақсадида компьютер воситалари, ахборот ва коммуникация технологиялари тизимли интеграциясининг йўналтирилган жараёнидир»⁵.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланган А.Абдуқодиров, А.Арипов, У.Бегимкулов, П.Гальперин, А.Ершов, Ф.Закирова, И.Захарова, Ю.Первин, Д.Прокудин, И.Роберт, Е.Чернобай, J.Bruner, S.Paperti ва бошқа олимларнинг фикрига кўра, таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш анъанавий тарзда иккита асосий йўналишга бориб тақалади. Биринчиси

⁵Цветкова М. С., Ратобыльская Э. С., Дылян Г. Д. Модели комплексной информатизации общего образования. Учебное издание. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний. 2007. – 119 с.

таълимнинг ҳаммабплиги, очиклигини ошириш учун мазкур технологиялар имкониятларидан фойдаланишдан иборат. Иккинчи йўналиш нимани, қандай ва нима ёрдамида ўқитишни ўзгартириш учун, яъни ҳам анъанавий, ҳам электрон ўқитиш доирасида ўқитишнинг мазмуни ва усулларида фойдаланишни назарда тутди.

Айнан иккинчи йўналиш методик фаолият мазмунини характерлайди ва И.П.Подласийнинг таърифича, у аниқ фанни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган касбий-педагогик фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион методлари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга қаратилган ўқитувчи фаолияти илмий-методик фаолиятнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. К.Литкенс томонидан илмий-методик фаолиятнинг қуйидаги таърифи қайд этилган – «аниқ фанни ўқитиш соҳаси ва танланган мавзу доирасида ўзининг шахсий, яъни муаллифлик хулосалар ва натижаларга (назарий ва амалий характерга эга) эришиш мақсадини кўзлаган илмий тадқиқотдир»⁶.

Н.Азизходжаева, Т.Анисимова, А.Костин, И.Кузнецов, Ш.Маджитова, О.Тигай, К.Турсуметов, И.Усачева, Ш.Шарипов ва бошқа методист-тадқиқотчилар таълимни ахборотлаштириш шароитида илмий-методик фаолиятни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар.

Таълимни ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг замонавий босқичи web-технологиялардан унумли фойдаланиш билан характерланади. Мазкур технологиялар web 1.0 дан web 4.0 гача қатор ўзгаришларни босиб ўтди ва ўқитувчга ҳар хил қўшимча имкониятлар тақдим этди.

Замонавий web-технологиялар хусусиятларини дидактика ва ўқитиш методикаси нуқтаи назардан таҳлил қилиб, биз замонавий web-технологиялар муҳитида илмий-методик фаолиятни шакллантириш учун зарур бўлган қуйидаги ўзига хос хусусиятларини аниқладик:

- маълумотни индивидуал тарзда қидириб топиш, маълумотни бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг кўпгина миқдорида узатиш;

- зарур маълумотни булутли сақлаш;

- маълумотни асинхрон тарзда алмашиш (матнли, графикли, овозли, видеоли);

- маълумотни муҳокама қилиш ва талқин қилишда гуруҳнинг иштирокини ташкил этиш имконини берувчи иш;

- янги билимдан ижтимоий нуқтаи назардан фойдаланиш ва баҳолаш.

Шу боис педагогик фаолиятда биз илмий-методик web-фаолиятни алоҳида муаммо сифатида ажратдик, яъни илмий-методик web-фаолият деганда биз web-технологиялардан фойдаланиш билан ўқитишнинг янги

⁶Литкенс К.Я. Организация научно-методической работы преподавателей. Режим доступа: http://pages.marsu.ru/iac/educat/nauka/_private/metod2.html.

ёндашувлар, методлар ва воситаларни қидириш, яратиш ва алмашиш синтезини тақдим этувчи методик ва илмий-тадқиқот фаолиятнинг интеграцион шаклини тушунамиз.

Бунда қуйидагилар аниқланди:

- илмий-методик web-фаолиятнинг объекти замонавий web-технологиялар шароитида аниқ фанни ўқитишда илмий-тадқиқот ҳамда методик билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш жараёни ҳисобланади;

- илмий-методик web-фаолиятнинг предмети аниқ фан мазмунининг ўзига хослиги ҳамда web-технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда янги илмий-тадқиқот ҳамда методик билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш жараёнини амалга ошириш усуллари ва методлари ҳисобланади;

- илмий-методик web-фаолиятнинг субъектлари ўқитувчи ёки ўқитувчилар жамоаси ёки ўқитувчилар интернет-ҳамжамияти ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш ҳолатини ўрганиш мақсадида тадқиқот давомида психологик-педагогик адабиёт ўрганилди ҳамда 5111000 - «Касбий таълим (соҳалар бўйича)» ва 5330400 - «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режаси таҳлили ўтказилди. Натижада мазкур йўналишда таҳсил олувчи талабаларнинг психологик-педагогик фанларни ўрганишлари жараёнида замонавий web-технологиялар шароитида илмий-тадқиқот фаолияти хусусиятларига етарлича эътибор берилмаслиги аниқланди. Бундай ҳолат ахборот жамиятида педагогик фаолиятни тўлақонли амалга ошириш учун зарур бўлган касбий билим, кўникма ва компетенцияларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда биз илмий-методик web-фаолият деб номланган web-технологиялар муҳитида илмий-методик фаолиятни шакллантириш муаммоси назарий жиҳатдан англолмади ва умумлаштирилмади. Ҳозирги босқичда илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришнинг кўпгина назарий ва амалий жиҳатлари охиригача ўрганилмай қолмоқда.

Диссертациянинг «Олий таълим муассасалари «Касбий таълим» йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида илмий-методик web-фаолиятни шакллантирилганликнинг мазмуни, вазифалари, босқичлари ҳамда баҳолаш мезонлари ёртилган, шунингдек таълим web-квестини яратиш технологияси «Касбий таълим» йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятни шакллантириш воситаси сифатида ва web-квестлар асосида web-квест-машғулотлар ўтказиш методикаси баён қилинган.

Тадқиқот давомида 5111000 - «Касбий таълим (соҳалар бўйича)» ва 5330400 - «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» йўналишлари ўқув режаси ва ўқув фанлари дастурлари таҳлили ўтказилди. Таълимнинг биринчи босқичида педагогнинг ахборот компетенциясини

шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи «Таълимда ахборот технологиялари» ўқув фани билан бир қаторда «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» каби ўқув фанларининг ўқитилиш аниқланди.

Кўрсатилган ўқув фанлари мавзуларини таҳлил қилиш давомида биз илмий-методик web-фаолиятни шакллантириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш мақсадида тавсия этилиши мумкин бўлган мавзуларни белгиладик (1-жадвал).

1-жадвал.

Илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришга йўналтирилган ўқув фанлар ва мавзулар

Ўқув фанлари	Календарь режадаги мавзулар	Соатлар	
		назарий	амалий
Касбий педагогик фаолиятга кириш	Ўқитувчининг ахборот саводхонлиги ва маданияти	2	2
	Касбий таълим ўқитувчиси меҳнатини илмий ташкил этиш	2	-
	Ўқитувчининг касбий компетентлиги	2	2
Касбий педагогика	Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари	2	2
	Касбий таълимда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш	2	2
	Педагогик фаолият ва педагогик қобилиятлар	2	-
	Педагогик ва касбий маҳорат	2	2
	Таълимда инновацион технологиялар	2	2

Олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш учун интеграциялаштирилган ёндашув белгиланди ва у ўқитишда компетентли ёндашувга асосланиб, ахборотли ёндашувдан фаол фойдаланишни назарда тутди. А.Шестакованинг⁷ фикрича ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида таълим жараёни аудитория машғулотларини ўтказиш ҳамда талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишининг ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш орқали компетентли ва тизимли ёндашув интеграцияси билан

⁷Шестакова А.Ю. Веб-квест как новая образовательная технология в высшей школе // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Гуманитарные и общественные науки. №2.2012.

белгиланади. Шу мақсадда таянч касбий ва махсус компетенцияларни шакллантиришга қаратилган замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланилади.

Тадқиқот давомида web-квест деб номланувчи замонавий web-технология, case-study аталмиш замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш илмий-методик web-фаолиятга хос бўлган компонентларни тўлиқроқ очиш имконини бериши аниқланди.

Адабиётларни назарий таҳлил қилиш ҳамда web-квестлардан амалий фойдаланиш натижаларига кўра биз шундай хулосага келдикки, web-квест асосида илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришда ўқув жараёнини ташкил этиш шакли бўлган web-квест-машғулотни белгилаш зарур.

Олий таълим муассасаларида on-line/off-line дарсларини ўтказиш методикаси қуйидаги тўрт босқичдан иборат бўлган web-квест-машғулот асосида такомиллаштирилди:

1) жамоани web-квест-топшириқ билан таништириш (жамоадаги талабалар мавзуга оид асосий тушунчалар ва топшириқ билан танишадилар; жамоада роллар бўйича тақсимланадилар, 1 ролга 1-4 кишидан);

2) web-квест-топшириқнинг қисмларини индивидуал ролларда ижро этиш (жамоа аъзолари бир-бирларига ёрдам бериб, индивидуал тарзда web-квест-топшириқни бажарадилар);

3) web-квест-маҳсулотни жамоавий яратиш (жамоа ҳамкорликда бажарилган топшириқларни умумлаштиради, талабалар материаллар билан алмашинади ва web-квест-маҳсулотни яратадилар);


4) web-квест-маҳсулотни жамоавий баҳолаш (жамоа ҳамкорликда ўқитувчи раҳбарлигида иш олиб боради, web-квест-маҳсулотни чоп этади, Интернетда тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги учун масъулиятни ҳис қилади).

Тажриба шуни кўрсатдики, web-квест-машғулотларни ўтказиш учун case-study, Т-схема, Блум Кубиги ва лойиҳалар усули каби методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда эксперимент иши кўрсатганидек «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанларидан web-квест-машғулотларини ташкил этиш учун айнан case-study усули кўпроқ қўл келади.

Case-study усулидан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, талабаларга педагогик муаммоларга оид реал педагогик ёки методик вазият тақдим этилади. Масаланинг талқини нафақат қандайдир амалий муаммони акс эттиради, балки бир хиллик ечими бўлмаган муаммоларни ҳал этишда ўзлаштирилиши зарур бўлган муайян билим, кўникма ва компетенциялар мажмуасини ҳам актуаллаштиради.

Илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришнинг асосий воситаси сифатида web-технологиялар, булутли ва мобил технологиялар танланди, чунки web-квест-топшириқлар web-технологиялар асосида яратилади, web-квестлар «булутлар»да сақланади ва компьютер ҳамда мобил мосламаларда қўлланилиши мумкин.


Тадқиқот давомида педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни яратиш ва фойдаланиш технология ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Педагогик характерга эга тадқиқий web-квестларни яратиш босқичлари

Мазкур технология асосида <https://sites.google.com/view/smweb-activity> манзилида жойлашган 1-жадвалда келтирилган «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанлари мавзулари бўйича 13 та web-квестлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот давомида олий таълим муассасалари 5111000 - «Касбий таълим (соҳалар бўйича)» ва 5330400 - «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» йўналишлари талабаларида илмий-методик web-фаолиятнинг шаклландирилган мезонлари ва даражалари ишлаб чиқилди ҳамда улар фаолиятни ўзлаштиришнинг таксономия даражалари асосида «репродуктив-методик», «продуктив-методик» ва «тадқиқот-методик» даражалар деб топилди.



2-расм. «Касбий педагогик фаолиятга кириш» фани мавзулари бўйича web-квест мисоллари

Илмий-методик web-фаолият шаклланганлигининг репродуктив-методик даражаси талабанинг маълумотни мустақил аск эттириши ҳамда типик web-квест-топширикни типик тарзда бажаришини назарда тутлади.

Илмий-методик web-фаолият шаклланганлигининг продуктив-методик даражаси типик ҳаракатларни мустақил ўзгартириш асосидаги ҳаракат ҳамда улар негизида субъектив жиҳатдан янгича ечимни тақдим этишни назарда тутлади.

Илмий-методик web-фаолият шаклланганлигининг тадқиқот-методик даражаси мустақил тадқиқот олиб бориш орқали бажариладиган ҳаракатни, тамомила янги ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни чоп этишни назарда тутлади.


Диссертациянинг **«“Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш бўйича педагогик тажриба натижалари»** деб номланган учинчи бобида педагогик тажрибани ўтказиш методикаси ёритилган ва олинган барча натижаларнинг статистик ишлови келтирилган.

Педагогик экспериментнинг мақсади «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанлари бўйича педагогик характерга эга бўлган web-квест-машғулотлар ва тадқиқий web-квестларнинг олий таълим муассасалари «Касб таълими» таълим йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятнинг шаклланишига таъсир этишини аниқлаш ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари «Касб таълими» таълим йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятнинг шакллантириш бўйича ўтказилган педагогик эксперимент уч босқичда амалга ошди.

Биринчи босқичи 2012-2014 йилларда бўлиб ўтди. Бу даврда муаммо белгиланди ва олий таълим муассасалари талабаларида илмий-методик web-фаолиятни шакллантиришга қаратилган самарали замонавий методлар, воситалар ва усулларни қидириб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва мослаштириш орқали муаммони ечишга оид методологик ёндашувларни излаш ишлари амалга оширилди. Ўтказилган таҳлил асосида педагогик экспериментнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, web-квест-машғулотларни ўтказишни web-квестига интеграция қилиш учун мослаштирилган замонавий Web-технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи ўқув материаллар, Case-study дан фойдаланиш бўйича методик кўрсатмалар ва дидактик материаллар, лойиҳалар методи проектив, Т-схемалар, «Пинборд» методлари ишлаб чиқилди.

Педагогик тажрибанинг иккинчи босқичи 2015-2016 йилларда ўтказилди. Иккинчи босқичда асосий диққат-эътибор тажриба жараёнида апробациядан ўтказилган олий таълим муассасалари «Касб таълими» таълим йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга қаратилди.



3-расм. Олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантиришнинг дидактик модели

Апробацияни амалиётда ўтказиш мақсадида «Касбий педагогик

фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанлари бўйича педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни яратиш ва фойдаланиш методикасига оид ишлаб чиқилган тавсиялар, шунингдек web-квест-машғулотларни ўтказиш методикаси доирасида 2017-2018 йилларда тажрибанинг учинчи босқичи ўтказилди.

Педагогик тажрибани ўтказиш учун олий таълим муассасалари негизида, айнан, Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) – 96 нафар талабалари билан, Қорақалпоқ давлат университети (ҚДУ) 55 нафар талабалари билан тажриба майдончалар танланди.

Шунингдек тажрибада Навоий давлат педагогика институти (НавДПИ) 5110700 – «Информатика ўқитиш методикаси» таълим йўналишининг 120 нафар талабалари иштирок этдилар. Респондентлар сифатида 5111000 - «Касбий таълим (фаолият турлари бўйича)» ва 5330400 - «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» таълим йўналишларининг 2 ва 3 курс талабалари танланди (3-жадвал).

3-жадвал

Тажриба базаси ва тажриба танлов миқдори

ОТМ номи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Талабаларнинг умумий сони
ТАТУ	56	40	96
ҚДУ	35	20	55
НавДПИ	60	60	120
Жами	151	120	271

Тажрибанинг бошланишида талабаларни сўровномадан ўтказиш учун мўлжалланган махсус тайёрланган сўровномага мувофиқ тажриба (ТГ) ва назорат гуруҳлари (НГ) талабаларининг билим ва кўникмалар даражаси аниқланди. Сўровнома натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг экспериментгача кўрсатган назорат натижалари

ОТМ	ТГ			НГ		
	илмий-методик web-фаолияти шаклланганлик даражасига эга бўлган талабалар сони			илмий-методик web-фаолияти шаклланганлик даражасига эга бўлган талабалар сони		
	репродуктив-методик	продуктив-методик	тадқиқот-методик	репродуктив-методик	продуктив-методик	тадқиқот-методик
ТАТУ	8 (20%)	9 (22.5%)	23 (57.5%)	10 (17.9%)	16 (28.5%)	30 (53.6%)
	40			56		

	Ўр. 54.17			Ўр. 54.76		
КДУ	5 (25%)	2 (10%)	13 (65%)	5 (14.3%)	12 (34.3%)	18 (51.4%)
	20			35		
	Ўр. 53.33			Ўр. 54.29		
НавДПИ	9 (15%)	18 (30%)	33 (55%)	10 (16.6%)	15 (25%)	35 (58.4%)
	60			60		
	Ўр. 53.33			Ўр. 52.78		
Жами:	22 (16.6%)	29 (24.2%)	69 (59.2%)	25 (16.5%)	43 (28.5%)	83 (55%)
	120			151		
	Ўр. 53.61			Ўр. 53.94		

Жадвалдан кўришиб турибдики, тажриба ва назорат гуруҳларининг экспериментгача бўлган назорат натижалари деярли бир хил даражада.

Тажрибадан сўнг олинган маълумотларни тақдим этамиз (5-жадвал). Педагогик тажриба-синов натижалари таҳлили учун Студентнинг математик-статистик усулидан фойдаланилди.

5-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг тажрибадан сўнг кўрсатган назорат натижалари

ОТМ	ТГ			НГ		
	илмий-методик web-фаолияти шаклланганлик даражасига эга бўлган талабалар сони			илмий-методик web-фаолияти шаклланганлик даражасига эга бўлган талабалар сони		
	репродуктив-методик	продуктив-методик	репродуктив-методик	продуктив-методик	репродуктив-методик	продуктив-методик
ТАТУ	19 (47.5%)	17 (42.5%)	4 (10%)	10 (17.6%)	20 (35.7%)	26 (46.7%)
	40			56		
	$T_{\text{кузатув}} = 4.5 > t_{\text{ни}} = 2.63$					
КДУ	7 (35%)	12 (60%)	1 (5%)	6 (17.1%)	15 (42.8%)	19 (40.1%)
	20			35		
	$t_{\text{кузатув}} = 2.8 > t_{\text{ни}} = 2.01$					
НавДПИ	23 (38.3%)	31 (51.6%)	6 (10.1%)	12 (20%)	18 (30%)	30 (50%)
	60			60		
	$t_{\text{кузатув}} = 5.1 > t_{\text{ни}} = 2.61$					

Шундай қилиб, келтирилган статистика «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» фанлари ҳамда web-квест-машғулотларни

Ўқитишда педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни қўллаш методикаси асосида олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-методик web-фаолиятларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар талабаларда ўқув мотивацияси ва ўзлаштириш даражасини оширишга хизмат қилишини исботлайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Адабиёт таҳлили шуни кўрсатдики, таълимни ахборотлаштириш ўқитувчидан замонавий web-технологиялар муҳотида ўқув жараёнининг долзарб мазмуни, ўқитишнинг инновацион шакллари, методлари ва воситалари, ўқувчилар билан ўзаро алоқада бўлишнинг самарали йўлларини доимий излаб, қидириб топишни талаб этади. Бу педагогик фаолиятнинг янги тури бўлган web-технологиялардан фойдаланиш билан ўқитишнинг янги ёндашувлар, методлар ва воситаларни қидириш, яратиш ва алмашиш синтезини тақдим этувчи методик ва илмий-тадқиқот фаолиятнинг интеграцион шаклини тушуниш тавсия этиладиган илмий-методик web-фаолиятнинг юзага келишини таъминлади.

2. Тадқиқот давомида илмий-методик web-фаолиятнинг мазмуни ва таркибий компонентлари аниқланди, яъни унинг таркиби маълумотларни индивидуал тартибда жамлаш, бир вақтнинг ўзида кўпроқ миқдордаги ўқувчиларга маълумотни етказиш, зарур бўлган маълумотни булутли сақлаш, маълумотни асинхрон тарзда алмашиш (матнли, график, овозли, видеоли), ҳамкорликда таҳрирлаш ва мулоқот қилиш, ижтимоий қўллаш ва янги билимларни баҳолашдан иборат.

3. Тадқиқот давомида “Касб таълими” йўналиши талабаларини «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанлари бўйича ўқитиш мисолида педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни яратиш ва фойдаланиш методикасига оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Тадқиқот давомида олий таълим муассасаларида on-line/off-line дарс машғулотларини ўтказиш методикаси ўқув жараёнига web-квест-машғулотларнинг web-квест-вазифалар билан жамоавий таништириш, унинг қисмларини индивидуал тарздаги ролли ижро, web-квест-маҳсулотни гуруҳ билан яратиш ҳамда уни ижтимоий нуқтаи назардан баҳолаш каби таркибий компонентларини белгилаш орқали такомиллаштирилди.

5. Тадқиқот давомида олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларида илмий-методик web-фаолиятнинг шакллантирилганлиги даражасини баҳолаш мезонлари репродуктив-методик, продуктив-методик, илмий-тадқиқий фаолиятни ўзлаштириш даражалари таксономиясини ҳисобга олган ҳолда белгиланди, шунингдек шакллантирилганликнинг юқори, ўртача ва паст даражалари аниқланди.

6. «Касбий педагогик фаолиятга кириш» ва «Касбий педагогика» ўқув фанларини ўқитишда педагогик характерга эга бўлган тадқиқий web-квестларни қўллаш бўйича тақдим этилган методика асосида олий таълим

муассасалари “Касб таълими” йўналиши талабаларининг илмий-методик web-фаолиятини шакллантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари негизида, шунингдек web-квест-машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасига оид ишлаб чиқилган тавсияларни қўллаш орқали педагогик тажриба ўтказилди. Педагогик тажриба натижаларига математик-статистик методлар ёрдамида ишлов бериш орқали тадқиқотда илгари сурилган илмий асослар ва амалий тавсиялар самарадорлиги асосланди, шунингдек тажриба гуруҳи талабаларида илмий-методик web-фаолият шакллانганлиги даражаси назорат гуруҳи даражасидан юқори эканлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.03.2019.Ped 82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ОБЛАСТНОМ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**
**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РЫСЮКОВА ЮЛИЯ ВАСИЛЬЕВНА

**ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ
WEB-ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ
«ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ»**

13.00.06 - Теория и методика электронного образования (по направлениям
отраслям образования)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Ped864.

Диссертация доктора философии (PhD) по педагогическим наукам выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.chtdpi.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель **Закирова Феруза Махмудовна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты

Ведущая организация: **Головной научно-методический центр при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета 28.03.2019.Ped.82.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, Чиланзарский район, улица Амира Темура, дом 104). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, Чиланзарский район, улица Амира Темура, дом 104). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 года).

Ш.Қ.Мардонов
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.п.н., профессор

Ф.Т.Ражабов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, PhD географических наук

Р.А.Эшчанов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени,
д.б.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальная информатизация общества и формирование новой информационной среды, основанной на современных достижениях науки и техники, априори предполагают масштабное и качественное развитие системы образования, что в свою очередь создает возможности для обновления педагогической науки. Распространение цифровых технологий в обучении принимает формы непрерывного, индивидуально-ориентированного, гибкого и динамичного процесса. К этому процессу привлечено внимание ряда международных организаций, в том числе ЮНЕСКО, которое уделяет особое внимание развитию высокотехнологичных компетенций и навыков, востребованных в XXI веке, у всех участников образовательного процесса посредством использования современных информационных и коммуникационных технологий в образовательной среде.⁸

Мировой опыт показывает, что использование информационно-коммуникационных технологий дает возможность качественно менять формы и методы обучения, с корректированием педагогической теории и практики. В педагогической науке определено что, эффективность деятельности каждого преподавателя определяется его профессионализмом, умением адаптироваться к изменяющейся образовательной информационной среде. Модернизация образования создает потребность в развитии профессиональной компетентности преподавателя, вместе с тем видоизменяя его научно-методическую, исследовательскую деятельность, отвечающей современным вызовам времени. Это обстоятельство влечет за собой качественные изменения в организации и осуществлении образовательного процесса, включая повышение педагогического мастерства преподавателя; формирование и развитие у него современных профессиональных компетенций. Одним из видов профессиональной деятельности преподавателя является научно-методическая деятельность, а именно, умение самостоятельно находить новые подходы к осуществлению и усовершенствованию педагогической деятельности.

Узбекистан, следуя современным тенденциям развития в сфере информатизации образования, особое внимание уделяет проблеме использования информационно-коммуникационных технологий с целью повышения эффективности деятельности преподавателей. Как отмечается в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах, большое внимание уделяется стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, создание при высших образовательных учреждениях

⁸Bacsich P. Alternative models of education delivery: Policy Brief, September, 2012. Moscow: UNESCO Institute for Information Technologies in Education, 2012. URL: http://iite.unesco.org/les/policy_briefs/pdf/en/alternative_models.pdf (дата обращения: 25.07.2013).

и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков.⁹ Информационно-коммуникационная среда стала предпосылкой появления нового вида методической деятельности, именуемая нами научно-методической web-деятельностью. В этой связи актуальной проблемой становится определение условий формирования научно-методической web-деятельности у студентов высших образовательных учреждений направления бакалавриата “Профессиональное образование”, поскольку качество и уровень подготавливаемых педагогических кадров в среде ИКТ влияет на конкурентноспособность Узбекистана в информационном обществе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования от 25 января 2018 г., Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП 3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 05 июня 2018 г., постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 г.

Связь исследования с приоритетными направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетного развития науки и технологии республики “И.Духовно-нравственное и культурное развитие, формирования инновационной экономики демократического и правового общества”.

Степень изученности проблемы. Анализ педагогических исследований показал, что вопросы формирования методической и научно-исследовательской деятельности в условиях информатизации образования издавна занимают центральное место в научных изысканиях ученых.

Вопросы использования информационно-коммуникационных технологий в образовании были раскрыты А.Абдукодыровым, М.Ариповым, У.Бегимкуловым, Е.Веретенникова, П.Гальпериним, Ф.Закировой, С.Панюковой, И.Роберт, S.Papert, Е.Чернобай¹⁰ и др.

Особенности методической и научно-методической деятельности и методы их формирования раскрыты в трудах Т.Анисимовой, Е.Базай,

⁹Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах, приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

¹⁰Чернобай Е. Методические основы подготовки учителей к проектированию учебного процесса в современной информационной образовательной среде (в системе дополнительного профессионального образования). Автореферат диссер.... пед.наук. 13.00.08. - Москва, 2012 –24 с.

С.Гончарова, М.Гулямовой, В.Ерошиной, Т.Загрянной, Н.Зайцевой, В.Зотовой, Е.Шатухо, О.Тигай, К.Турсуметова и др.

Проблеме использования web-технологий в образовании занимались И.Захарова, А.Карабанов, И.Морозов, Р.Хисамиева, Т.Шаймарданов¹¹ и др. В частности, Е.Багузина и Е.Шевцова рассмотрели web-вест как средство формирования иноязычной коммуникативной компетентности, О.Волкова как средство межкультурной коммуникации.

Анализ исследований показал, что такой важный вопрос, как формирование научно-методической деятельности в современной среде web-технологий студентов высших образовательных учреждений педагогических направлений образования остается вне поля зрения ученых.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета ЁА1-ОТ-0-16695 «Развитие профессиональной компетентности преподавателей специальных дисциплин в системе средне-специального и профессионального образования путем развития электронных учебно-методических материалов».

Целью исследования является совершенствование методики формирования научно-методической web-деятельности у студентов высших образовательных учреждений направления «Профессиональное образование».

Задачи исследования:

раскрытие сущности понятия «научно-методическая web-деятельность», её содержания и структурных компонентов;

выявление научно-методических подходов к формированию научно-методической web-деятельности студентов высших образовательных учреждений в условиях функционирования среды современных информационно-коммуникационных технологий»;

определение эффективных форм, методов и средств формирования научно-методической web-деятельности студентов направления «Профессиональное образование» на основе современных web-технологий;

определение критериев оценки и уровней сформированности научно-методической web-деятельности студентов высших образовательных учреждений направления «Профессиональное образование».

